УДК 8.085.13.04

“ТЕПАЛИКДАГИ ХАРОБА” РОМАНИДА СЮЖЕТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ ВАЗИЯТЛАР

Н.Н. Азизов

Мақолада ёзувчи Омон Мухторнинг “Тепаликдаги хароба” романидаги нореалистик тасвир, хаёлот ва фантастика муаммоси тадқиқ этилган. Бадиий шартли тасвирлар моҳияти сафар ва синов мотивлари таҳлили орқали ёритилган. Хаёлот ва реаллик уйғунлигида кечувчи “ўтмиш” ва “ҳозир” масаласига алоҳида урғу берилган. Тарих ва замон воқеликлари орасидаги муштарак жиҳатлар қиёсий ўрганилиб, муаллиф ғоявий-бадиий нияти, поэтик маҳорати хусусида сўз юритилган ва хулосавий фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: *кутилмаганлик, нореалистик тасвир, мотив, ижодкор шахс, бадиий шартлилик.*

В статье исследуется проблема нереалистичных образов, фантазии и вымысла в романе Амана Мухтара “Руины на холме”. Сущность художественных условных образов освещается через анализ мотивов путешествий и испытаний. Особое внимание уделяется проблеме “прошлого” и “настоящего”, которая представляет собой сочетание воображения и реальности. Сравнительно изучаются общие черты между реалиями истории и времени, обсуждаются идейные и художественные замыслы автора, поэтические навыки, и даются заключительные замечания.

Ключевые слова: *эффект неожиданности, нереалистичный образ, мотив, творческая личность, художественная условность*.

Таниқли рус олими М.Бахтин синовга қурилган авантюр романлар табиатини белгиловчи бош хусусиятлардан бири **мутлақ тасодиф**ни қадимги юнон романлари мисолида ўрганади [1. Б. 52–59]. Унинг фикрича, “бирдан”, “шу пайт” сингари замон бўлаклари келтирилган нуқтадан ақлга сиғадиган воқеалар оқими ўз ўрнини махсус мантиқ асосида ҳаракат қилувчи замонга бўшатиб беради.

“Тўрт томон қибла” трилогиясида мутлақ тасодифни Бахтин қарашларидаги замон бўлаклари билан бирга **кутилмаганлик** (асосан “кутилмаганда” сўзи воситасида) юзага чиқаради. Аввало, айтиш керакки, трилогияда кутилмаганлик икки кўриниш – реалистик ва нореалистик шаклда намоён бўлади. Масалан, “Минг бир қиёфа” романи бошланмасида тасвирланган ҳолат – **кутилмаганда** қандайдир япасқи автобус йўлда пайдо бўлиб, бекатга яқинлаша бошлагани – реалистик, иккинчи ҳикоятдаги **кутилмаган** шамолда тўққиз қаватли кошонанинг кимсасиз саҳрога кўчиб ўтиши нореалистик тасвир. Ёки “Кўзгу олдидаги одам”да келтирилган табиат ҳодисаси бағрида чуқур маъно, фантастика яширин бўлсада, ўқувчи уни реалистик манзара сифатида баҳолайди. Эътиборли жиҳати шундаки, кутилмаганлик ортида содир бўлувчи ҳодисалар ақлга мувофиқ воқеалар оқимини тўхтатиб, реаллик ва фантастика уйғунлигида кечувчи, бадиий шартли воқеалар тизимига олиб киради. Ушбу мақолада трилогиянинг учинчи романи – “Тепаликдаги хароба”да тасвирланган реалистик ва нореалистик унсурларни роман сюжетини ҳаракатга келтирган, воқеалар ривожини таъмин этган бадиий восита сифатида таҳлилга тортамиз.

Роман қаҳрамони тушган кутилмаган ва-

зият, юқорида таъкидлаганимиздек, икки хил кўринишда кузатилади. Дастлаб, реалистик: "... *кутилмаганда ҳамма нарса остинустин бўлиб кетди. Уни Бош раҳбар ҳузурига чақиртиришди*" [2. Б. 301]. Икки ўртада кечган диалог орқали, аввало, Мирза Ғолиб шахсиятининг муҳим қирралари, шунингдек, даврнинг типик хусусиятлари ойдинлашади. Раҳбардан "хушхабар" эшитган қаҳрамоннинг жавоби: *"Мен ишдан қочмайман, Мардонқул ака. Жоним билан! Лекин ҳозир боролмайман"* тарзида, бунинг сабаби – *"Уйда хотинимнинг ойкуни яқин. Қарайдиган одам йўқ"* – кўринишида моддийлашади. Мирза Ғолибнинг "*Мен ҳозир бормайман. Керак бўлса, аризам тайёр, майли бўшатинг, Мардонқул ака. Лекин бормайман!*" – дейишигача борган суҳбат бошлиқнинг "Ҳозир бориш шарт. *Мендан талаб қилишяпти...* <…> *узоғи билан бир ҳафта ичида, албатта, одам юборамиз*" [2. Б. 301] – ваъдаси билан якунланади. Персонаж табиатидаги мутелик эътирозини ариза ёзишга тайёрлиги билан билдирсада, бу лаҳзалик жасоратни раҳбар ҳеч бир қийинчиликсиз енгиб ўтганида кўринади. Қолаверса, Бош раҳбарнинг ўзи ҳам эркин одам эмас: "*Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти*..." [2. Б. 301]. Реалистик кутилмаганлик деганимиз шуки, Мирза Ғолиб билан рўй берган ҳодиса кундалик турмушда бот-бот кузатилади; иш жараёнида ҳар биримизнинг кутилмаган буйруқ ёки таклиф билан юзма-юз келишимиз эҳтимоли ҳамиша мавжуд.

Романда нореалистик кутилмаганлик сафар мотиви билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Кутилмаганлик ортидан ғайриоддий ҳодисалар рўй бериб, қаҳрамон ўй-хаёлларида тартибсизлик, воқеалар оқимида янги сюжет линиялари пайдо бўлади. Қуйида шу ҳақда тўхталамиз.

Мифопоэтик таҳлил тажрибасини "Ўткан кунлар" романи мисолида текширган профессор Д.Қуронов халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг учровчи мотивлар қаторида "сафар" мотивига махсус тўхталади. Олим эртак ва достон қаҳрамонларининг сафарга чиқишдан кўзланган мақсадларини қуйидагича санаб ўтади: "Алпомиш Барчинни келтириш учун, Кунтуғмиш Холбекани излаб, кенжа шаҳзода Булбулигўёни тутиб келмоқ қасдида, Ҳусанбой Ойпаридан тушининг таъбирини сўрагани, Олмос ботир вазирнинг қутқулари туфайли в.ҳ." [3. Б. 5–6]. Ва яна ҳаётий-маиший эртакларда қаҳрамон савдо ёки дунёни кўриш мақсадлари билан сафарга отланиши, сафар давомида бошқа саргузаштларни бошдан кечиришини ёзади. Мирза Ғолибнинг ҳашарга юборилиши ҳам моҳиятан сафар, аммо бу сафарнинг фольклор намуналарида учровчи мотивдан қатор фарқли нуқталари кузатилади. Масалан, эртак ёки достон қаҳрамонлари ички хоҳиш ва аниқ мақсад билан сафарга отланса, роман қаҳрамони мажбурият туфайли, ўзи истамай йўлга чиқади. Айтиш лозимки, Алпомишнинг Қалмоққа сафари гарчи синглиси Қалдирғочнинг таъсири остида амалга ошса-да, бу романда келтирилган воқеа – Мирза Ғолибнинг Бош раҳбар қистови ортидан ҳашарга жўнаши – билан мос тушмайди. Яъни, синглиси билан суҳбатда достон қаҳрамони руҳиятида уйғониш содир бўлса, Мардонқул ака билан бўлиб ўтган суҳбат, аввалроқ айтганимиздек, Мирза Ғолиб руҳиятидаги мутеликни намоён этади. Унинг ҳашарга юборилиши шахсий интилиш ва истакларини чегаралаб, аввал қаҳрамонлараро (Мирза Ғолиб – Бош раҳбар) зиддиятни юзага чиқарса, зиддият воқеалар силсиласида қаҳрамон ва муҳит конфликти томон ўсиб боради.

Сафар мотиви шарт-синов мотиви воситасида содир бўлиб, ўз навбатида, бир қатор синов мотивларини юзага чиқаради. Бу ҳақда тадқиқотчи Ш.Назарова шундай ёзади: "Синов мотивлари сюжет ҳақида тўлиқ тасаввур бера олади. Бошқа мотивлар эса синов мотивлари оралиқларини тўлдирувчи, изоҳловчи ва уларнинг натижаси сифатида ёрдамчи мотивларга айланади. Чунки асар, аввало, қаҳрамоннинг синовдан ўтиши, синов натижалари ҳақида ҳикоя қилади" [4. Б.166]. Мазкур қарашлар қаҳрамонлик достонлари ҳақида айтилган бўлишига қарамай, миллий адабий-бадиий меросдан озиқланган романларга, хусусан, "Тепаликдаги хароба" романига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Фольклор намуналарида синовлар деву аждарҳо билан кураш, малика томонидан қўйилган оғир шартларни бажариш, тақдир йўлиқтирган дўст ёрдамида

мураккаб вазиятлардан чиқиш сингари турфа кўринишда учрайди. Айниқса, сеҳрли эртакларда қаҳрамоннинг синовдан ўтиши фантастик воқелигу эпизодлар билан ғоят қизиқарли тус олади. Якунда эса барча синовни енгиб ўтган қаҳрамон муроду мақсадига етиб, ортга қайтади. Иккинчи тур эртаклар ҳам борки, бунда қаҳрамон кўзланган манзилга боришда эмас, аксинча, сафардан қайтишда турли синовларни бошдан ўтказади. "Зумрад ва Қиммат"даги Қимматнинг саргузаштлари, ёки "Ур тўқмоқ" воқеаларини эслаш кифоя, назаримизда. "Тепаликдаги хароба" романи қаҳрамони ҳам кейинги типдаги эртак қаҳрамонлари сингари сафардан қайтишда қатор синовларга дуч келади. Эртак қаҳрамонларининг сафар давомида кўрган-кечирганлари, тўқнашуву курашлари уларнинг тақдири, ижтимоий мавқеига таъсир ўтказса, роман қаҳрамонининг сафар жараёнида бошдан ўтказганлари руҳиятидаги муайян бурилишларга сабаб бўлади. Бундан кўринадики, фольклордаги эртак, достонлар сюжетида, асосан, "ташқи ҳаракат" динамикаси, Омон Мухтор романи сюжетида эса "ички ҳаракат" динамикаси етакчилик қилади.

Эртак ва достон қаҳрамонлари аниқ мақсад билан сафарга отланса, Мирза Ғолиб аниқ мақсад билан сафардан қайтади. *"Илк даъфа оталик насиб этаётган ёки этган Мирза Ғолиб уйидан узоқда, аллабир ёқларда тентираб юргани инсофданми?! Боргач, Мастуранинг юзига қайси кўз билан қарайди-ю, вақти келиб, улғайган фарзанди юзига қайси кўз билан қарайди?!"* [2. Б. 305]. Демак, қаҳрамонни ортга қайтишга ундаган куч эрлик ва оталик бурчи. У ҳашарга кетишда буйруқ бажарувчи мақомида бўлса, қайтишда ички қўрқувни енга олган, исёнкор қиёфасида бўй кўрсатади. Аммо бу ҳали Мирза Ғолиб руҳиятини эгаллаб олган қўрқувдан тўла халос бўлди, дегани эмас. Гарчи бошлиғи ва шериклари томонидан қилинган номардлик уни исён қилишга ундаса ҳам, аёли ва фарзанди ҳузурига яхши эр, яхши ота бўлиб қайтиши учун худди фольклор қаҳрамонларидай синовлардан ўтиши шарт. Оила масъулиятини ҳис қилиб йўлга чиққан қаҳрамон маиший муаммолар билан эмас, умуминсоний оғриқлар, оламий ўй-хаёллар билан рўбарў келадики, бунда муаллифнинг комил инсон ғоясига алоҳида урғу бергани аёнлашади. Бир вужуднинг учта "мен"га бўлиниб, ўтмиш-у ҳозирнинг маънавий-ижтимоий ҳолатини тафтиш қилиши, ёки башариятнинг улуғ сиймолари Лутфий, Машраб, Байроннинг жасадларига дуч келиб, уларнинг ҳаётию ижод йўлини бугуннинг нигоҳи билан мушоҳада этиши роман концепциясини белгилашда муҳим ўрин тутади. Шу ўринда тўхталиб ўтиш жоизки, Омон Мухтор насрида ижодкор шахс образига мурожаат этиш орқали умумбашарий муаммолар, Туркистон заминида жаҳолатнинг илдиз отиш сабаблари, маънавий таназзул масаласи бадиий таҳлилга тортилади. Масалан, "Минг бир қиёфа" романида ижодкор шахс (Абдулла Ҳаким)нинг қаҳрамон сифатида танланиши бевосита даврнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлиб, давр ижодкорларининг ўз миссияларини бажара олмаётгани, мазкур ҳолатнинг туб илдизлари хусусида сўз боради. Адиб ижодкор фақат даъват қилиш билан чекланиб қолмаслиги, биринчи галда, миллий ўзликни англаб, шахсий намуна бўла олиши зарурлигини Абдулла Ҳаким образи мисолида ишонарли ифодалайди. Ёки "Афлотун" романида жадид бобомиз Абдурауф Фитрат образига мурожаат этса, "Майдон" романида атоқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода файласуф образига прототив сифатида олинади [5. Б. 82]. Таҳлил этаётганимиз "Тепаликдаги хароба" романида ҳам муаллифнинг Лутфий, Машраб, Байрон каби шоирларга юзланиши бежиз эмас. Муаллиф эзгулик ва ёвузликнинг асл маншаига назар ташлаб, улар ўртасидаги азалий курашни ўз даври руҳиятига бақамти тасвирлар экан, парда ортидаги уч жасадни (Лутфий, Машраб, Байрон) индивидуаллаштиради. Ушбу қаҳрамонлар муаллиф идеали сифатида бўй кўрсатади. Қолаверса, бу уч шоирнинг тақдир йўли трилогия бош қаҳрамонлари босиб ўтаётган ҳаёт йўлига уйқаш. Яъни, худди улар каби трилогия қаҳрамонлари ҳам маърифат ва жаҳолат орасида қолиб, йўл ахтараётган, комиллик сари юзланган-у, манзилга етишларида тўсиқ бўлаётган кучни англашга уринаётган, ўзўзи билан курашаётган, ҳаракатдаги образлар. Фарқли томони шундаки, учала тарихий шахс-

ни бирлаштириб турган жиҳат руҳ поклиги ва озодлигидир. Айни шу сабаб улар ўз замонасига сиғмай, умрни машаққатда ўтказсалар-да, ўзлигини, эркин руҳни сақлаб қола билганлар. Трилогия қаҳрамонларида, хусусан, Мирза Ғолиб шахсиятида айнан руҳий эркинлик етишмайди. Шу боис харобада қўрқув билан юзлашгандан кўра ухлашни афзал кўради. Трилогия қаҳрамонларидан бири айтганидек, "яшаб юраверишни" хоҳлайди.

"*Жасадлар янги; яқиндагина бу ерга келтирилган бўлсалар керак, илк қарашда ширин уйқуга кетган кишини эслатишар эди*" [2. Б. 314]. Англаймизки, туйнукда ётган жасадлар ўлган бўлса-да, ухлаётган одамдек, Мирза Ғолиб ухлаб ётса-да, худди ўлгандек.

"*Уйқуга ўхшар ўлим,*

Ўлим ўхшар уйқуга" [2. Б. 314].

Ижодкор шахсияти барча замонларда эътибор марказида бўлган. Омон Мухтор романларида ҳам ижодкор образига мурожаат этиш, унинг атрофида содир бўлаётган воқеалар талқини орқали даврнинг ижтимоий-маданий ҳолати, замон кишилари руҳиятидаги эврилишлар, истибдоднинг халқимиз маънавий қиёфасига таъсири каби муаммолар очиб берилган.

Асосий масалага қайтсак, раҳбарию дўстлари томонидан адолатсизликка учраган, харобада иложсиз қолган қаҳрамон ҳолати ҳақида адабиётшунос И.Ёқубов: "Мирза Ғолиб жамиятдаги бефарқлик, лоқайдлик, журъатсизлик иллатининг сабабларини излайди. У бўм-бўш олам билан юзма-юз келиб, сўна бошлаган умидларини нурлантириш, руҳий ва жисмоний чарчоқни унутиш учун омонат илинж бўлган харобада қолади. Шу ерда қаҳрамон ўйхотиралари, муҳокама-мулоҳазалари гирдобига шўнғийди. Шу тариқа парчаланган руҳини ягона нуқтага жамлайди, ўзини ўнглай олади. Ўзидаги ички моддий-маънавий имкониятларни ишга сола билган қаҳрамон борлиқ, инсон, моддий ва маънавий қимматларни яхлитликда таҳлил этади" [6. Б. 55] – деб ёзганида ҳақ эди. Зеро, Мирза Ғолиб ўзининг инсоний ожизлигу нуқсонларини енгиб ўтиш асносида жамият, миллат изтиробларини туйиб, муте хизматкордан тарихчи-зиёли қиёфасига кириб боради.

Мирзо Ғолиб тўқайзорда дуч келган воқеалар, аксар, нореалистик кўриниш касб этади. Масалан, майдон ўртасидаги тепаликка дуч келиши реалистик, аммо қай томон юрмасин қайта-қайта шу тепалик қаршисидан чиқиши, тепаликдаги хароба ичида рўй берган ҳодисаларнинг бари нореалистик воқеалар сифатида роман сюжетига детектив руҳ олиб киради, уни шиддат билан ҳаракатлантиради. Эътиборли жиҳати, қаҳрамоннинг ҳашарга юборилишидан то тепаликдаги харобага йўлиққунча кечган ҳодисалар реал хронотопда содир бўлса, кейинги воқеаларда тахайюлнинг етакчилиги кузатилади. Роман бадиий ғоясини ифодалашга хизмат қилган кенг кўламли воқеалар ҳам Мирза Ғолиб хаёлотида рўй беради. "У.Жемсга кўра, инсон онги дарё оқимига монанддир, бу оқимда ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар, туйқус пайдо бўлувчи ассоциациялар бир-бири билан бетартиб алмашиниб туради, мантиқан изоҳлаб бўлмайдиган даражада бир-бирига чатишиб кетади" [7. Б. 209]. Ҳақиқатдан, инсон ўй-хаёллари тизгинсиз, хаёлда кечаётган жараённи маълум мақсад билан тартибга солиб, ҳикоя қилишнинг ўзиёқ бадиий шартлилик салмоғини оширади. "Тепаликдаги хароба" романида адиб реалистик муаммони онг оқимига таяниб, бадиий мушоҳада этади. Ва яна шартлилик ва фантастикадан самарали фойдаланади.

Бош қаҳрамон ўй-хаёлларининг ўзиники бўлмаган муаллиф нутқи орқали ифодаланишида ҳам шартлилик кузатилади. Тўғри, бундай усул анъанавий йўлда ёзилган асарларда ҳам кўп учрайди, бироқ биз сўз юритаётган асарда қаҳрамон ўй-хаёллари мақсад даражасигача кўтарилган. Хаёлотда содир бўлаётган ҳодисалар қаҳрамоннинг реал оламга ўзга нигоҳ билан қарашига, ўзликни англашу ички қўрқувни енгишига йўл очади. Китобхон эса персонаж руҳий оламини четдан "кузатувчи" мақомидан хаёлот оламининг "иштирокчисига" айланади.

Персонаж хаёлотини ҳам шартли равишда икки қисмга ажратиб, текшириш мумкин. Яъни, ўзи бевосита гувоҳ бўлган, яқин ўтмишида рўй берган реал воқеа-ҳодисаларни эслаши, атрофидаги одамлар ҳақида ўй-мушоҳадалари

бир томон бўлса, Наср II тобутини кўтариб олган бир гала халойиққа йўлиқиб, сомонийлар даврига хаёлан кўчиб ўтиши, ёки Лутфий яшаган даврга саёҳат қилиши каби хаёлий воқеалар иккинчи томондир. Бу орқали муаллиф қаламга олинган давр қиёфасини яратиш, тарихий воқеаларга юзланиб, ўтмиш ва бугунни қиёслаш, қаҳрамон ботиний оламини рўй-рост тасвирлашнинг уддасидан чиққан. Тарихга қайтиш хаёл ва фантастика ёрдамида амалга ошадики, биринчи навбатда, Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккури синтезлашади, роман бадийяти сеҳрли ва жозибали руҳ билан бойитилади. Энг муҳими, хаёл роман сюжетини ҳаракатлантирган бадиий унсур вазифасини ўтайди.

Эътибор беринг:

"Мирза Ғолиб эслади...

Ана, у "олим"ликка "кирган" пайтдаги биринчи ҳолат;

– Бош раҳбар эмас, оддийлари:

Битта чой дамлаб келсангиз, йигит!

Энди – Бош раҳбар, сўнгги ҳолат:

– ...Сиз гапга тушунмаяпсиз. Ҳозир бориш шарт. "*Сен олимман, зиёлиман, обрўйим бор дейсан! Лекин сени ит ҳам бит ҳам – битта чертиб, мана ҳозиргидек ўпқонга учиради! Сенинг ҳеч ким эмаслигинг! – шунақа пайтда ошкор бўлиб қолади*" [2. Б. 346].

Бу, аввало, ўзликни англаб бораётган шахс иқрори. Ўз-ўзини шафқатсиз тафтиш қилаётган нигоҳ ҳақиқатлар ошкор бўлиб, ички қўрқувдан секин-аста халос бўла боргач, ташқи оламга ҳам танқидий назар билан қарай бошлайди. Бу эса воқеалар оқимига Мирза Ғолибнинг икки устози, тарихчи-зиёлилар – Санжар Маҳзун ва Илёс Ҳайрат образини олиб киради. Уларнинг қисматини хаёлдан ўтказиши давр зиёлиларининг ҳаёт йўли, идеаллари ва фожеасини ёритиб бериши билан характерлидир. Гарчи бу икки образ ҳақида қисқа саҳифаларда сўз борса-да, зиёли қатлам, унинг тақдирию таназзули борасида умумий хулосалар чиқариш учун етарли, муҳим лавҳалар тасвирланади. Устозлар босиб ўтган йўл билан боғлиқ ўйлар қаҳрамоннинг ўз келажаги ҳақидаги қайғулари билан туташиб кетади: "*Сен – икки йўл ўртасида; қай бирини тутма, барибир! – қисматингдан кўнглинг тўлмайди! Бахтли бўлолмайсан*!" [2. Б. 352].

Илёс Ҳайрат образи "Минг бир қиёфа" қаҳрамони Абдулла Ҳакимни ёдга солади. Абдулла Ҳаким характеридаги ўз принципларига содиқлик, ҳақиқатдан юз бурмай, ёзганларида рўй-рост тарзда ифодалаш каби хусусиятлар Илёс Ҳайрат образида ҳам кузатилади. Ҳар иккисининг аянчли тақдири тасвирида чин истеъдодларни англамаган, аксинча, ўз қўллари билан қурбон қилган давр сурати аксланади.

Онг оқимидаги хаёлларга тартиб бериш, уларни навбати билан тасвирлаш роман сюжетини тарихий ва замонавий линияларга бўлади. Бир-биридан олис макон ва замонда рўй берган воқеаларни уюштириб, боғлаб турган нуқта, биринчи навбатда, муаллиф ғоявий-бадиий нияти.

Тарихий шахсларнинг ҳаёт йўли, тарихий воқеалар тасвири "Тепаликдаги хароба" романи сюжетининг салмоқли қисмини ташкил этсада, асар тарихий мавзуда ёзилган романлардан жиддий фарқланади. Бундай мавзудаги асарда тарихий образ: персонаж, деталь, хронотоп тарихий ҳақиқатга мос келиши ва бадиий ҳақиқат шундан ўсиб чиқиши шарт. Тарихий-бадиий асар муаллифи ўтмиш воқелигини ўқувчи кўз олдида жонлантириб, аждодлар дунёқариши, орзу-армонларини тасвирласа-да, асар тагзамирида ўз даври қиёфаси, у билан боғлиқ ўй-хаёллари яширин бўлади. Яъни, мақсад ва восита ўзаро ўрин алмашади. Омон Мухтор учун тарихий воқеаларни бир бутунликда тасвирлаш муҳим эмас. Адиб бадиий ният ижроси учун тарих материалидан ёрдамчи унсур сифатида фойдаланади. "Тепаликдаги хароба" романида тарихий шахслар образи мутелик ғоялари сингдирилган мудроқ "онг"нинг уйғонишига, сюжет воқеаларини ечим томон ҳаракатлантиришга кўмаклашади. Кўрамизки, тарихий мавзудаги асарда ўтмишга мурожаат этиш орқали "ҳозир" идрок этилса, Омон Мухтор романида "ҳозир" воқеалари тарихий воқеалар билан қоришиб кетади. Бадиий шартлилик эса ровийнинг ҳар икки замонга эмин-эркин кўчиб юришини таъминлайди.

Ушбу фикрларни кенгроқ далиллаш учун романда тасвирланган тарихий шахслардан бири – Наср II образи, унинг вафотидан кейин

рўй берган воқеани таҳлилга тортиш ўринли деб билдик. Сомонийлар сулоласи тарихининг асарда тасвирланишини бош қаҳрамон Мирза Ғолибнинг тарихчи экани ва айнан сомонийлар даврини ўргангани билан изоҳлаш мумкин. Айтиш лозимки, сомонийлар ҳукмронлигига оид ўринлар тарихий фактларга таяниб ёритилган. Фақатгина Наср II тобутини кўтариб бораётган оломон тасвири хаёлий воқеа, муаллиф тўқимасидир. Бу ҳақда Омон Мухтор ёзувчи А.Йўлдошев билан суҳбатда эслаб ўтади: “Агар ёдингизда бўлса, “Тепаликдаги хароба” романида оломон издиҳомининг бамисоли бурлаклардай тўқайдан чиқиб, тўқайга кириб кетиши, “Ё ҳаким, ё ҳоким” деб хитоб қилишлари лавҳаси бор. Фикри ожизимча, мана шундай дилимга яқин ҳолатларни тузуккина, ҳаттоки бу гапларим нокамтарлик бўлиб туюлмасин, жаҳон адабиёти андозаларига қиёслаган равишда ёзгандайман, мендан бошқа биров бу тарзда ёзмагандай, ёзолмагандай” [8. Б. 230]. Кўрамизки, мазкур лавҳадан адибнинг кўнгли тўлган, ички қониқиш ҳосил қилган.

Ровий томонидан бу қудратли давлатнинг мустақиллик йўлида мустамлакачиларга қарши курашгани, ўзлигини тиклаш ва сақлаб қолишга интилгани ёдга олиниб, Мирза Ғолибнинг тўқайзордаги ҳолатига контраст қўйилади. Яъни Мирза Ғолиб ҳам КАТТА ЙЎЛга чиқмоқ учун, аввало, ички қўрқувни енгиб, ўзлигини ва эркини золимлардан қайтариб олиши шарт.

Исмоил Сомоний даврида гуллаб-яшнаган, равнақ топган салтанатнинг Наср II замонига келиб, фитнаю исён, талотўплар ичида қолгани, халқнинг руҳиятию кайфиятида ҳам кескин ўзгаришлар кузатилгани тасвирланади. Ҳукмдор Наср II ини дафн этишга олиб кетаётган халойиқ Мирза Ғолиб каби адашган ва абгор ҳолда. Қаҳрамон тўқайзорда йўл тополмай сарсон бўлса-да, йўл қидириб, катта йўлга чиқиш умиди билан ҳаракатланади. Бунга зид равишда Наср II тобутини кўтарган халойиқ орасида ҳеч ким катта йўл ҳақида билмайди, эшитмаган ҳам. Бу эса уларнинг Мирза Ғолибдан ҳам аянчли ҳолга тушиб қолганини кўрсатади.

“ *Кечирасиз, ота. Адашдим. Менга катта йўл керак.*

... – Катта йўл? Билмадим, – кифтини қисди шошаётган қария.

....Ўрта ёшлардаги бировга юзланди.

.... Биз катта йўлни билмаймиз” [2. Б. 356].

Тўқайзорга шўнғиб кетаётган оломон учун эрк ва мустақиллик туйғулари бегона, уларда бирдан бир мақсад – ё ҳаким, ё ҳоким топиш. Подшоҳ вафот этган бўлса-да, одамларнинг уни дафн этмай, тобутини кўтариб юришида ҳам рамзийлик кўрамиз. Эрксизликка кўникиб қолган халойиқ худди “Калила ва Димна” ҳикоятидаги озод бўлишга имкони бўла туриб, бир ерда айланувчи фил сингари тутқунликдан халос бўлишни исташмайди. Ҳикоятдаги занжир ва романдаги Наср II сиёсати функционал жиҳатдан бир-бирига яқин; йиллар давомида занжир чириб битса ҳам, бир ерда айланиб юришга кўникиб қолган фил доимий ҳаракатида давом этади, халойиқ эса золим подшоҳ зулмидан озод бўлганини англамай, қулликдан (Наср II жасадидан) қутулишни истамайди. Уларнинг “Ё ҳаким ё ҳоким” керак деган нидолари замирида ҳам чуқур фалсафий маъно бор. Ҳоким топилса, қулликда давом этадилар, аксинча, руҳан соғайиб, ўзликни англаб, инсонлик моҳиятига етиб боришлари учун эса ҳаким топишлари шарт. Муаллиф тўқайзорга шўнғиган халойиқнинг кейинги тақдирини ошкора айтмайди. Фақат бир ишора бериб ўтади: “Абу Наср замонида ҳали Ибн Сино туғилмаган эди.!” [2. Б. 358]. Тўғри, Ибн Сино туғилгунгача бўлган даврда ҳам ҳакимлар яшаб ўтган, аммо, муаллиф наздида, улар кишиларнинг руҳий оғриқларини даволашга ожиз бўлган.

Аёнки, “ўтмиш замона орқали идрок этилиши қонуният мақомидаги ҳол” [9. Б. 39]. Тарих ва ҳозир қоришиқ тарзда ифодаланса-да, ёзувчининг бош мақсади ўз замонасини тадқиқ этиш, Мирза Ғолиб образи орқали ўзбек халқи руҳиятида кечаётган ўзгаришларга назар ташлаш. Роман аввалида кутилмаган вазиятга тушиб қолган қаҳрамон ўзининг “қул” эканини очиқ-ошкор тан олади. Ўз навбатида, бу биргина унга тегишли сифат эмас. Қаҳрамоннинг ўз-ўзига четдан назар ташлаши оқибатида ҳақиқатлар ошкор бўла бошлайди. Жараённинг образ ўй-хаёллари орқали берилиши китобхон ва персонажни бир вақтда ҳақиқатлар

билан юзлаштиради. Қаҳрамоннинг ўз-ўзини англамагани, ожизлиги, ички қўрқувни енга олмагани сабабли ҳаёти бир маромда кетаётгандек туйилса, шуурида норозилик вужудга келган вақтдан бошлаб, ўзи ва атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар ҳақида мушоҳада этади. Даставвал, раҳбари Мардонқул, дўстлари Тенглаш ва Ҳакимжонга нисбатан киноявий позицияда бўлса, воқеалар давомида унинг ўз-ўзига киноясини кучайиб боради. Мирза Ғолибнинг ўз-ўзига киноясини халққа нисбатан киноя билан уланиб кетади. Бу биргина персонаж эмас, балки унинг воситасида муаллиф киноясига айланади:

"*У қилаётган иш – у ёзган "тарих" кимга керак ?!*

Минораи Калон тўпга тутилганини, етмиш йил – ичида сақлаб, оғзига талқон солиб ўтирган одамларгами (Энди барча сайраётганини қаранг).

Юзлаб масжид, мадраса бузилганини сақич чайнаб, музқаймоқ еб томоша қилиб ўтиб кетаверган одамларгами?

Шаҳар қалъасини бузиб, ўз уйига арава-арава тупроқ ташиган одамларгами!" [2. Б. 347].

Ўтган асрнинг 80-йилларидан кейин адабий майдонда юзага чиққан бадиий асарларнинг аксарида қаҳрамон яшаб ўтган ва яшаётган ҳаёти ҳақида жиддий мушоҳада юритади. "Ички мен" ва "ташқи мен"даги номутаносибликни фош этиб, ўтган умри зое кетгани ёки кетаётганини тушунган ҳолда ўз-ўзини рад этади. Бу жиҳатдан "Тепаликдаги хароба" романи бош қаҳрамони Мирза Ғолиб ортда қолган умрини "бойкот" қилиш орқали янги умр учун тамал тоши қўйгани билан характерлидир.

Романда кутилмаганлик рўй берган нуқтадан реалистик ва фантастик тасвирлар уйғунлашуви бошланади. Нореалистик тасвирларнинг хаёл воситасида юзага чиқиши тарих ва бугунни бир бутунликда тафтиш этишга йўл очади. Айни тасвирлар адибнинг дунё адабиётини, халқ оғзаки ижодини синчковлик билан ўрганганидан, улардаги сюжету мотивлар тизимидан ижодий фойдаланиб, бадиий қайта яратганидан, бир сўз билан айтганда муаллиф бадиий маҳоратидан дарак беради.

Адабиётлар:

1. *Бахтин М.* Романда замон ва хронотоп шакллари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 288 б.

2. *Мухтор О.* Тепаликдаги хароба // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 432 б.

3. *Қуронов Д.* Адабий ўйлар. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – 112 б.

4. *Назарова Ш.* Қаҳрамонлик достонларида синов мотивлари // Жаҳон адабиёти, 2017. – № 1. – Б.165–168.

5. *Мухтор О.* Катта билан кичик муносабати. // Китобда: Мухтор О. Узун йўлакдаги икки киши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

6. *Ёқубов. И.* Руҳ ва фикр эркинлиги // "Илм сарчашмалари" УрДУ ахборотномаси, 2002. – № 4. – Б. 54–56.

7. *Қуронов Д, Шералиева М, Мамажонов З.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 408 б.

8. *Мухтор О.* Асар азоб билан ёзилади. // Китобда: Мухтор О. Узун йўлакдаги икки киши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

9. *Қуронов Д.* Талқин имконлари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 88 б.

10. *Каримов Ҳ.* Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 124 б.

THE SITUATION THAT MOVES THE STORY IN THE NOVEL "RUIN ON THE HILL"

Н.Н. Азизов[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 113-121.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: unexpected, unrealistic image, motive, creative personality, artistic state.

The article explores the problem of unrealistic imagery, fantasy and fiction Omon Mukhtor's novel "The Ruin of the Hill". The essence of artistic conditional images is illuminated through the analysis of travel and test motives. Particular emphasis is placed on the issue of "past" and "present", which is a combination of imagination and reality. The commonalities between the realities of history and time are studied comparatively, the author's ideological and artistic intentions, poetic skills are discussed and concluding remarks are given.

The elements of realism and non-realism described in the novel "Ruin on the Hill" are combined in the image of Mirzo Galib, the protagonist of the lines of the novel, the farewell of the artistic document. Although the author of the historical-artistic work enlivens valleys, which provided the course of events. There is no historical personal life, and although the depiction of historical events is a significant part of the plot of the novel "Ruin on the Hill", the work differs from the novels written on a historical theme. The historical image in a work on such a theme: the character, the detail, the chronotope must correspond to the historical reality and so much time must pass through the reality of the past in the eyes of the reader and describes the worldview, dreams and aspirations of the ancestors, the image of his time and his thoughts are hidden in the background of the work. That is the goal and the engine are interchangeable. For Omon Mukhtar, it is not important to describe historical events as a whole. The writer uses historical material as an auxiliary element for the fulfillment of artistic intention. The image of historical figures in the novel "Ruin on the Hill" help to awaken the drowsy "Consciousness", which is embedded in the ideas of dependence, to move the plot events to the solution. We see that while "now" is perceived by referring to the past in a play on a historical theme, in "Omon Mukhtor" the events of "now" are mixed with historical events.

In most of the works of art that have emerged in the literary field since the eighties of the last century, the protagonist makes a serious observation about the life he has lived and is living. Revealing the imbalance between the "inner self" and the "outer self", he denies himself, realizing that his past life is wasted or is gone. In this regard, the protagonist of the novel "Ruin on the Hill" Mirza Galib is characterized by laying the foundation stone for a new life by "boycotting" the rest of his life.

From the point of view of the unexpected in the novel, a combination of realistic and fantastic images begin. The emergence of unrealistic images through the imagination opens the way to examine history and the present as a whole. These images testify the author's artistic study of world literature, folklore, creative use of the system of plots and motifs in them, in short, the author's artistic skills.

References:

1. Baxtin, M. (2015) *Romanda zamon va xronotop shakllari* [Period and chronotope forms in the novel]. Tashkent: Akademnashr.

2. Muxtor, O. (2000) *Tepalikdagi xaroba* [The Ruin of the Hill]. In: To‘rt tomon qibla [The qibla on four sides]. Tashkent: Shark.

3. Quronov, D. (2016) *Adabiy o‘ylar* [Literary Thoughts]. Tashkent: Turon zamin ziyo.

4. Nazarova, Sh. (2017) *Qahramonlik dostonlarida sinov motivlari* [Test motives in heroic epics]. *Jahon adabiyoti*. No 1. Pp. 165-168.

5. Muxtor, O. (2011) *Katta bilan kichik munosabati* [The relationship between young and old]. In: Uzun yo‘lakdagi ikki kishi [Two people in a long pavement]. Tashkent: Uzbekistan.

6. Yoqubov, I. (2002) Ruh va fikr erkinligi [Freedom of spirit and thought]. *Ilm sarchashmalari UrDU axborotnomasi.* No 4. Pp. 54-56.

7. Quronov, D, Sheralieva. M., Mamajonov, Z. (2013) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of literature]. Tashkent: Akademnashr.

8. Muxtor,O. (2011) *Asar azob bilan yoziladi* [The work is written with pain]. In: Uzun yo‘lakdagi ikki kishi [Two people in a long pavement]. Tashkent: Uzbekistan.

9. Quronov, D. (2015) *Talqin imkonlari* [Interpretation possibilities]. Turon zamin ziyo.

10. Karimov, H. (2008) *O‘zbek romanlarining taraqqiyot tamoyillari* [Principles of development of Uzbek novels]. Tashkent: O‘zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АЗИЗОВ Нурмуҳаммад Неъматиллаевич – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси. E-mail: n_azizov90@mail.ru